

## Эл эрки деб эгилмаган Қодирий қадри

Талабалар онгиға миллий қадрият, маърифат, мустақиллик мафкураси сингари тушунчаларни сингдириш ватанпарварллика даъватдир. Бошқача айтганда, чинакам маънавий жасоратдир. Бугунги кунимизни истиқолимизни орзу қилган ўтмиш аждодларимизнинг эзгу амалларини талаба ёшларга етказиш маърифий ўгитдир. Шубҳасизки, бу борада институтимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам равишда ахборот соатларининг ташкил этилиши бунинг мисолидир. Айни пайтда “Ибратли, ижодкор инсонлар” рукнида мунтазам равишда уюштирилаётган ижодий учрашув ҳам маънавий ҳаракатимизнинг ўзига хос ифодаси. Эли эъзозлаган, элининг эрки деб курашган барҳаёт сиймолардан бири, бу Абдулла Қодирийдир. Институтимизда ташкил этилган буюк маърифатпарвар адабимизнинг 125 йиллигига бағишлиланган маънавий тадбир ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда Ўзбекистон ҳалқ артисти, суюкли санъаткоримиз Гулчехра Жамилова ҳамда филология фанлари доктори, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессори Жўракулов Узоқ Ҳайдаровичлар иштирок этишди. Тадбирни модератор сифатида адабиётшунос олим Раҳимбой Жуманиёзов олиб борди.



Тадқиқотчи олим адаб ижодининг муҳим қирралари, унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва ўзи яшаган давр мафкурасининг қурбони бўлгани борасида мисоллар асосида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтди. Абдулла Қодирийнинг ўзбек романчилигининг асосчиси сифатида танитган машҳур асари “Ўтган кунлар” романи асосида ишланган бадиий фильмда асосий образлардан бири Кумушбиби ролини ижро этган Гулчехра Жамилова бу ролни ижро этиш учун 600та хотин-қизлар сараланганини айтиб ўтишдилар. Режиссёрлар улар ичидан фақат Гулчехра Жамилованинг танлаганларини таъкидладилар. Бу эса асарнинг ютуқ ва оммалашишига асос бўлганини эътироф этиш ўринлидир.



Тадбир савол-жавоблар руҳида ўтди. Айниқса, ушбу тадбирни ёритиш учун ташриф буюрган, иқтидорли журналист, “Музаффар.уз” сайтининг раҳбари Умбаров Музаффар Муҳаммадназарович иштирокчиларни саволларга “қўмиб” ташлагани ҳам тадбирни анча жонланганига боис бўлгани ҳақ. Тадбир якунида ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган меҳмонларга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори ҳамда “Нотиқлик санъати академияси” таълим муассасаси директори томонидан имзоланган фахрий ёрликлар топширилди.



**“Гуманитар фанлар” кафедрасининг ўқитувчиси Б. Муқимов ахбороти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов**